

Қозоғистонда Қуръон мусобақаси ғолибига автомашина совға қилинади



16:59 / 22.02.2019 2298

Биринчи ўрин соҳибига автомашина совға қилинади деб хабар беради, azan.kz ахборот сайти.

Мусобақа 26–28 апрель кунлари Олма-ота шаҳрида ўтказилади. Саккизинчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақа Қозоғистон Дин ишлари бўйича идорасининг ташаббуси билан ташкил этилган.

Қатнашувчилар 4 та номинация бўйича куч синашадилар: 1. Қуръони каримни тўлиқ ёддан ўқиб бериш. 2. Қуръони каримнинг 20 порасини ёддан ўқиш. 3. Қуръони каримнинг 10 порасини ёддан ўқиш. 4. Қуръони каримни тажвид қоидаларига мувофиқ ифодали ўқиш.

Қатнашувчилар 30 ёшгача бўлган Қозоғистон Республикаси фуқаролари бўлиши шарт. Шунингдек, улар республика ва халқаро Қуръон танловларининг иштирокчиси бўлмаслиги ҳам лозим. Ҳайъат қарорига кўра, биринчи ўрин соҳибига автомашина қолган иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига пул мукофотлари берилади. Иштирок этишни хоҳловчилар учун ҳужжатлар 19 апрелгача қабул қилиниши ҳам маълум қилинган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**